



АВТОМОБИЛСОЗЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 14 декабрь куни автомобилсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш бўйича таклифлар тақдироти билан танишди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида бу sanoat тармоқлари изчил модернизация қилинмоқда. Логистикадаги қийинчиликларга қарамасдан, сўнгги йилларда автомобиль ишлаб чиқариш 3 баробар кўпайиб, жорий йил якунида 415 минг донага етиши кутилмоқда. Соҳада давлат монополиясини йўқ қилиш ва рақобатни ривожлантириш мақсадида 3 та янги хусусий корхона ва нуфузли хорижий брендлар жалб этилди. Бугун юртимиздаги 8 та заводда ўнлаб турдаги автомобиллар, юк ва йўловчи ташиш транспортлари, қишлоқ хўжалиги ва махсус техникалар ишлаб чиқарилмоқда.

Шунингдек, бу соҳада 2 мингдан зиёд корхона ахлит кооперация тармоғига боғланди ва 50 фоиз маҳаллийлаштириш таъминланди.

Шу билан бирга, бозорда талаб ҳали ҳам юқори. Ҳам ташки, ҳам ички бозорда автозаводлар ўртасида рақобат кучаймоқда. Энди "Ўзавтосаноат" акциядорлик жамияти ҳам маҳсулотлар моделини кенгайтириб, сифатини яхшилаш, таннархни камайтириб, рақобат муҳитида ишлашга ўтиши зарур.

Тақдиротида шу борадаги чора-тадбирлар, тармоқ олдиди вазибалар муҳокама қилинди.

Хусусан, мамлакатимизда энгил автомобиль ишлаб чиқаришни 2030 йилгача 1 миллион донага етказиш мақсад қилинган. Йиғилишда бу борада 2024 йилда амалга ошириладиган вазифалар белгилаб олинди.

Давлатимиз раҳбари "Ўзавтосаноат"ни трансформация қилиши жадаллаштириш, харажатларни камайтириш лозимлигини таъкидлади.

Маълумки, бугунги кунда жаҳондаги етакчи автозаводлар электромобиль ишлаб чиқаришга ўтмоқда. Мамлакатимиз sanoatchилари ҳам тезроқ бу йўналишни ўзлаштириб, замон талабига мослашмаса, келгусида бозорда ўрин топиши янада қийин бўлади.

Бу борада илк лойиҳалар бошланган. Келгуси йилда шундай завод ишга туширилиб, 10 мингта электромобиль ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган.

Президентимиз бу йўналишга алоҳида эътибор қаратиш муҳимлигини таъкидлаб, тармоқ корхоналарида электромобиллар учун бутловчи қисмлар тайёрлашни йўлга қўйиш бўйича кўрсатма берди.

Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғида бу йил 3 минг 500 донадан ортқ техника ишлаб чиқарилган. 2030 йилгача бу миқдорни йилига 16 минг донага етказиш мўлжалланган.

Бу йил Чирчиқ шаҳрида қишлоқ хўжалиги машинасозлиги кластери ташкил этилди. У йилига 15 минг дона трактор, тиркама ва бошқа техникалар ишлаб чиқариш қувватига эга. Лекин уларни сотиш тизими замон талабларига мос келмаяпти.

Шу боис, маҳаллий техника харидини қўллаб-қувватлашни кенгайтириш, кластер ва фермерларни жалб этиб, бу борада бюрократлар шакллантириш зарурлиги таъкидланди ва қўшимча чоралар белгиланди. Миллий тракторни маҳаллийлаштириш даражасини 35 фоизга, осма техника ва тиркамаларни ўртача 60 фоизга етказиш вазифаси қўйилди.


ЎЗА

НУҚТАИ НАЗАР

ПАХТАЧИЛИК – ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ ЯРАТИШДА УЛКАН САЛОҲИЯТГА ЭГА ТАРМОҚ

Унга бозор муносабатларининг татбиқ этилиши юқори натижадорликни таъминлайди

Аграр соҳа ривож учун илм-фан ва амалиёт интеграциясини чуқурлаштиришнинг аҳамияти катта. Жаҳонда кузатилаётган иқтисодий ва экологик муаммолар ўз ўрнида инновацион технологияларни жорий этиш орқали маҳаллий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажминини ошириш заруратини юзага келтиради. Тўқимачилик sanoatида табиий ўсимлик тодалари кенг қўлланилиши эса пахта толасига талаб ошишига олиб келмоқда.



Маълумотларга кўра, "оқ олин" етиштиришдан олинладиган глобал бизнес даромади йилига 500 миллиард доллардан ошган. Англаш мумкинки, мазкур экин иқтисодий жиҳатдан энг муҳим қўшимча қийматга эга. Мана шу баҳонинг ўзиёқ соҳа ходимлари, селекционерлар олдига турли иқлим шароитлари, касаллик ва зараркундаларга чидамли,

юқори ҳосилдор ва аъло толали ғўза навларини яратишдек муҳим вазифани қўяди. Яна бир гап, дунё бўйича пахта етиштириладиган майдонларнинг 95 фоиздан ортиғида ўрта толали ғўза тури экилади. Демак, олий толали турни яратиш ва ҳосил олишнинг аҳамияти катта.

Давоми 3-бетда

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

Глобал МИҚЁСДАГИ МЕЗОНЛАР

Ўзбекистоннинг жаҳонда тутган ўрни ва нуфузига қандай баҳо берапти?

Халқаро рейтинг ва индекслар муайян ҳолатни турли йўллар билан аниқлайдиган, ҳар қандай мамлакатда бир ёки бир нечта йўналишдаги вазиятни тўғри ифодалаб берадиган кўрсаткичларни қамраб олади. Шу асосда улар ҳар бир давлатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва мавқеини белгилаш, олиб борилаётган ислохотларга ҳолис баҳо беришга хизмат қилади.

Маълумотларга кўра, ҳозир жаҳонда 160 дан ортқ халқаро рейтинглар мавжуд, улардан 50 га яқини таъсир доираси юқорилар сирасига қиради. Кейинги йилларда бу рейтинглар мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий аҳволи, инфратузилмавий ва рақамли ривожланиш ҳолати, соғлиқни сақлаш тизими, давлат бошқаруви сифати, инсон ҳуқуқлари ҳимояси ҳамда аҳолининг турмуш даражасини баҳо-

лаш имкониятини яратмоқда. Дунё давлатлари шунга асосланиб, молиявий активларини қаерга йўналтириш, ким билан қандай ҳамкорликни йўлга қўйишни муҳокама қилиб, ҳатто инвестиция киритишга қулай муҳит мавжуд бўлган мамлакатларни ўрганадиган ва танлайдиган бўлиб қолди.

Давоми 4-бетда

ЎЗБЕКИСТОН 2030 СТРАТЕГИЯСИ

ИНСОН ВА ТАБИАТ МУВОЗАНАТИГА АСОСЛАНГАН ТИЗИМ

Бугунги кунда дунёда иқлимнинг тобора ёмонлашиб бораётгани, COVID-19 пандемияси, геосиёсий кескинлашувлар, глобал инфляция инқирози каби вазиятлар жаҳон иқтисодиётида жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бу ҳолат ишлаб чиқариш, савдо ва инвестицияларни қисқартирмоқда, қашшоқлик, тенгсизлик ва беқарорликни оширмоқда. Буларнинг барчаси барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга таҳдид солмоқда.

БМТ ҳисоботларига кўра, 2023 йилда глобал иқтисодиётнинг ўсиши сўнгги ўн йилликлардаги энг паст кўрсаткичлардан бири бўлиши ва йил якунида бу кўрсаткич 2,3 фоизни ташкил этиши прогноз қилинмоқда. Ушбу шароитда инсоният ва атроф-муҳитнинг умумий меросига асосланган иқтисодиёт моделини ривожлантириш зарур. Бу қандай бўлади?

Иқтисодиётнинг бу модели табиий ресурслардан самарали ва масъулиятли фойдаланиш, даромадлар ва бойликларнинг янада мутаносиб тақсимланиши, қарорлар қабул қилишда фуқароларнинг фаол иштирок этиши, одамлар ва табиат ўртасидаги уйғун муносабатларга ёрдам беради.

Давоми 2-бетда

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

ЭНЕРГЕТИКА РИВОЖИ ОДАМЛАР ҚАЛБИГА ҲАМ ЁРУҒЛИК, НУР ОЛИБ КИРМОҚДА

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда "Яшил иқтисодиёт" технологияларини барча соҳаларда фаол жорий этиш, 2026 йилга бориб электр энергияси ишлаб чиқариш кўрсаткичинини қўшимча 30 миллиард киловатт-соатга ошириб, жами 100 миллиард киловатт-соатга етказиш вазифаси белгиланган. Вазифа удаланса, қайта тикланувчи энергия манбалари улуши 25 фоизга етиб, йилга қарийб 3 миллиард куб метр табиий газ тежаллади.

Сурхондарё вилоятида ҳам ана шу дастурий вазифалар ижросини таъминлаш, аҳоли, ижтимоий соҳа иншоотлари, иқтисодиёт тармоқларини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш чора-тадбирлари изчил давом этмоқда. Хусусан, қайта тикланувчи энергия ишлаб чиқариш ҳажминини янада ошириш, тизимни босқичма-босқич янгилаш, инфратузилмани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Тўпаланг сув омборининг қуйи қисмида қайта тикланувчи, "яшил энергия" ҳосил қилиш имконини берувчи ГЭС қурилишига киришилганида ушбу лойиҳанинг истиқболга ишонмаганлар ҳам бор эди. Аммо бу борадаги қатъий ва изчил саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бера бошлади.

Давоми 2-бетда

ЭКСКЛЮЗИВ ИНТЕРВЬЮ

“ОТАМ ВАТАН ҲАСРАТИ ВА МУҲАББАТИНИ МЕРОС ҚОЛДИРГАН”

УСМОНХЎЖА ПЎЛАТХЎЖАЕВНИНГ ФАРЗАНДИ ТЕМУР ХЎЖА ЎҒЛИ МАМЛАКАТИМИЗ ТАРИХИ ВА ЖАДИДЛАР МЕРОСИ БИЛАН БОҒЛИҚ НОЁБ ҲУҶЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТДИ



90 ёшида Туркияда вафот этган сўнгги ўзбек жадиди Усмонхўжаниннг фарзанди Темур Хўжа ўғли бутун умри ва кучини туркий халқлар маданияти ва тарихи борасидаги изланишларга бахшида этган. У туркий халқлар олами, Марказий Осиё маданияти тарихи, жадидчилик, шўро даври ва мустақилликдан кейин Марказий Осиё республикаларида кечаётган сиёсий ўзгаришлар мавзуларида тинимсиз изланаётган фидокор олимлардан бири.

Давоми 6-бетда

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРДАГИ МАВҚЕИ

университетлар фаолияти самарадорлигидан дарак

Ҳозир ўқитиш тизимини юқори сифатга олиб чиқиш, олий таълим муассасаларини халқаро даражада танитиш, рақобатбардошлигини таъминлаш асосий вазифалардан. Уни бажариш йўлида ОТМлар барча имкониятдан самарали фойдаланиб, халқаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтирмоқда.

Давоми 5-бетда

НУҚТАИ НАЗАР

ПАХТАЧИЛИК —

Қўшилган қиймат яратишда улкан салоҳиятга эга тармоқ



Унга бозор муносабатларининг татбиқ этилиши юқори натижадорликни таъминлайди



Иброҳим АБДУРАҲМОҲОВ, қишлоқ хўжалиги вазир, академик

Бошланғичи 1-бетда

Дунёдаги бугунги зиддиятлар, савдодаги чекловлар иқтисодиётда ҳам ўз аксини топмоқда. Озиқ-овқат ва тўқимачилик экспортига мазкур омиллар салбий таъсир қилди. Теран ўйлаб қарасак, бундай вазиятда қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни кескин ошириш ҳисобига таннархни камайтириш, чуқур қайта ишлаш ва қўшилган қиймат яратишга кўпроқ инвестиция жалб қилиб, экспортни кўпайтириш энг тўғри йўл экани аён бўлади. Айнан мана шу сабаблар инobatта олиниб, Президентимиз раислигида жорий йил 9 ноябрь кўни ўтказилган видеоселектор йиғилишида қишлоқ хўжалигини янгича ёндашувлар, ташкилий ва молиявий воситалар орқали қўллаб-қувватлаш чоралари муҳокама қилинганди. Хусусан, бу йил 41 та пахта-тўқимачилик кластерида ҳосилдорлик 40 центнердан ошган бўлса, 9 тасида 30 центнердан кам бўлгани боис пахта уруғчилиги бўйича янгича ёндашувларни қўллаш зарурлиги таъкидланганди.

тўғридан-тўғри фьючерс шартнома тузган кластерга ёки биржа орқали исталган субъектга сотишди. Бу каби имкониятлар эркин бозор муносабатлари намён бўлишига хизмат қилади.

Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш шароитида биржа савдосини янада ривожлантиришнинг зарур босқичларидан бири дериватив молиявий воситаларни қўллаш ҳисобланади. Бунда фьючерс шартномаларни жорий этиш энг мақбул йўлди. Бу нархларнинг кескин ўзгаришига мойил бўлган товар бозорлари учун алоҳида аҳамиятга эга. Фьючерслар орқали хавфларни муваффақиятли бошқариш ва иқтисодиётга кўпроқ бўш маблағ жалб қилиш, бозор-



2024 йил 1 январдан бошлаб пахта хомашёси етиштирувчиларни узлуксиз моддий ресурслар билан таъминлаш мақсадида товар-хомашё биржаларида 0,2 ва 0,5 тонналик кичик лотларда минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари барча ҳудудлар бўйича доимий савдоларга қўйилиши таъминланади.

даги нархлар мувозанатини таъминлаш мумкин. Қолаверса, биржа битимлар бажарилишини кафолатлайди.

Кафолатланган харидор

Биринчи навбатда, фермерлар фьючерс шартнома тузиш орқали етиштирилган маҳсулотни қийматининг 60 фоизи миқдоридан имтиёзли кредит оли-

миз. Бунинг сабаби шундаки, чет элдан олиб келинган пахта уруғи 220-270 кунда ҳосилга қиради. Аммо бизнинг об-ҳавоимиз шароитида бу муддат жуда узоқ. Агар фермер даласига импорт ҳисобига келтирилган навни тўғридан-тўғри экса, одатдаги каби сентябрь ойида ҳосил ололмайди. Уруғчилик илмидан хабардор бўлмаса, бу экинга умуман ҳосил бермайдиган нав, деган хулосани бериши ҳам мумкин. Уз ўрнида, ҳосил муддати кечиккани сари тола сифати тушиб, массаси йўқолиб бораверади. Демак, оддий деҳқончиликка ҳам илм билан ёндашиш керак. Шундагина қутилган натижага эришса бўлади.

Шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда, энди ерни тайёрлашдан бошлаб, пахта хомашёси йиғиб терилгунга қадар агротехник тадбирларнинг амалга оширилиши жараёни Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг ҳузуридаги Узагроинспекция томонидан амалдаги тартибга биноан мониторинг қилинади.

Деҳқон ва фермерлар учун қанча қулайлик яратилса, уларни қийнаётган муаммолар ҳал этилса, ҳосилдорлик шунча юқори бўлади. Давлатнинг ҳам пахта етиштиришдан оладиган даромади ошади.

2024 йил 1 январдан бошлаб пахта хомашёси етиштирувчиларни узлуксиз моддий ресурслар билан таъминлаш мақсадида Товар-хомашё биржаларида 0,2 ва 0,5 тонналик кичик лотларда минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари барча ҳудудлар бўйича доимий савдоларга қўйилиши таъминланади.

Ишлаб чиқариш занжирини тўлиқ назорат қилиш имконияти яратилади

Йиғилишда кластерлар ва бошқа корхоналар томонидан пахта хомашёси фақат электрон тарози орқали қабул қилиниши ҳамда пахта толасини автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизими жорий қилиниши белгиланди. Бундай ёндашувнинг кластерлар учун афзалликлари нимада, деган савол туғилиши табиий.

Соддароқ айтганда, аввало, эскирган ва ишонсиз тизим, қайд этиш китобларига маълумотларни қўлда киритишга барҳам берилиб, реал вақт режимида ҳисоботларни олиш йўлга қўйилади. Шунингдек, пахта тўпламига ишчиларнинг хатоси билан бўёқларда рақам киритилиши ўрнига тўпламларга барча маълумотлар киритилган QR код олинади. Англаганингиздек, маълумотлар шаффофлиги таъминланиши ортидан турли ноқонуний ҳолатларга барҳам берилади. Пахта учун чуқур қайта ишлашнинг кейинги босқичларида эса ушбу тизим интеграция қилиниб, ишлаб чиқариш занжирини тўлиқ назорат қилиш мумкин бўлади.

Тизим орқали хорижий ҳамкор ва харидорларга ҳар бир тўпламдаги пахтанинг нави, сифати, анжик миддори ва ишлаб чиқарувчининг маълумотини олиш имкони яратилади. Реал вақт режимида гаджетлар ва компьютерларда амалга оширилаётган барча жараён тўплами, маркази ва бошқа статистик маълумотларни кўриб туриш мумкин. Тизимда кластерлар талабидан келиб чиқиб, маълумотлар гуруҳлар ва саналарга филтрланади ҳамда қўшимча функциялар қўшилади. Ҳозир республикамизнинг 60 фоиз пахта тозалаш корхоналарига ушбу тизим ўрнатилмоқда.

Янги навлар билан боғлиқ ишлар, уларни турли шароитда синаш ҳамда ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш бугунги куннинг муҳим вазифасидир. Шу боис, олимлар олдида ўсимликларнинг қимматли хўжалик белгиларига жавобгар генларни хариталашда долзарб бўлган популяцияларни яратиш, хориждан келтирилган навларни маҳаллий шароитга мослаштиришдек муҳим масала турибди.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли қароридан келгуси йилдан пахта экиладиган майдонларнинг 10 фоизига тажриба-синов тариқасида хорижий пахта навларини жойлаштиришга рухсат бериш назарда тутилган. Тажриба тариқасида 14 та туманинг балл бонитети паст, сув таъминоти оғир ҳудудларида юқори ҳосилдор маҳаллий ва хорижий навларни жойлаштириш режалаштирилмоқда.

Серҳосил навлар яратиш — долзарб масала

Охириги йилларда иқлим ўзгариши, айниқса, кун ва тундаги ҳарорат ўртасидаги тафовут йўқолиб бораётгани ҳисобига пахтачиликда ҳосилдорлик тушиб кетган. Орол денгизи билан боғлиқ муаммолар кузатилмаган вақтларда, тоғларда музликлар кўп пайтларда кундузи ҳаво қанчалик иссиқ ҳам кечаси салқин бўлган. Пахта гули юқори ҳароратга чидамсиз. Аномал иссиқ, кечкурун оловнинг совимаслиги сабаб гул етила олмади, яъни қўсақка айланмади. Туркия, Греция каби давлатларда мана шу тунги ҳарорат қутилган даражада бўлади. Шунинг учун юқори ҳосил олинади. Ҳозир кузатилаётган об-ҳаво шароитидан келиб чиқиб, биз ўлкамиз иқлим шароитига жавоб бера оладиган нав яратишимиз, амалиётга жорий этишимиз зарур.

Шу ўринда яна бир таҳлилни келтирсак. Дунё амалиётда ҳосилдорлик тола миқдори билан ўлчанади. Туркия гектаридан бир ярим минг килограмм тола оlsa, бизда 800 килограмм, яъни 100 килограмм пахтадан 33 килограмм тола

ажратиб олинади. Демак, мана шу кўрсаткични ўзгариши учун ҳам бизга тола сифати юқори, иқлимимизга мос навлар керак. Соҳага янги илмий ёндашувлар зарур. Туркиядан ўзлаштиришимиз зарур бўлган технология ҳам шу — чигитнинг массаси кам, толаники юқори бўлишига эришиш. Пахтачиликда етакчи давлатларда мана шу амалиёт йўлга қўйилган.

Янги навлар масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Бугун соҳа мутахассислари олдида ер ва сувдан унумли фойдаланиш баробарида вақтни ҳам тежашдек муҳим масала турибди. Биологик эскирган навлардан фойдаланса, иқлим билан боғлиқ ўзгаришлар ва зараркундалардан қўчимиз. Шунингдек, аънавий усулда ҳосилни баҳолаш учун мавсум охирида хулоса бера оلسак, янги услуб билан уруғчилик маҳсулдорлигини аниқлашга икки кун етарли бўлади.

Бир жиҳатни унутмаслигимиз керак: ҳосил биз кутгандек бўлса ҳам, акс натижани кўрсатса ҳам аҳолининг озиқ-овқатга, саноатнинг эса хомашёга талаби ошиб қираверади. Демак, турли табиий офатлар, касаллик ва зараркундаларга бардошли экин турларини кўпайтириш бугуннинг долзарб масаласи. 2024 йилдан бошлаб 30 центнердан паст ҳосил бераётган навлар мунтазам аниқланиб, серҳосил маҳаллий ва хорижий навларга алмаштириб бориш амалиёти жорий қилинади.

Хориждан олиб кириладиган пахта навлари шунчаки фермер даласига экилиб, кейинги тақдирини эътиборсиз қолдирилмайди. Йиғилишда таъкидланганидек, бунинг учун алоҳида агротехника ва соддалаштирилган карантин талаблари жорий этилиб, махсус карантин кузатувида ва Пахтачилик кенгаши илмий кўрсатмаси асосида иш олиб борилади.



Мато сифатига таъсир кўрсатувчи асосий омил

Бир жиҳатни эътибордан четда қолдирмаслигимиз керак, енгил саноатдаги технологик ўзгаришлар тола сифатига янгидан-янги талабларни қўяди. Мана шу мезонларга жавоб бериш учун ҳам янги навлар зарур. Пахта толасининг узунлиги, пишқиллиги, бир хил тузилишида экани ва бошқа қатор хусусиятлари мато сифатига таъсир кўрсатадиган асосий омиллардан.

Халқроқ амалиётда ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитини чуқур ўрганган ҳолда, илм-фаннинг илгор ютуқларидан самарали фойдаланиб, экин турларини маҳаллийлаштириш, уринли жойлаштириш, замонавий агротехнологияларни кенг татбиқ этиш юқори натижадорликка эришишнинг ягона йўли ҳисобланади.

Жорий йилда Пахтачилик кенгашининг илмий хулосасига асосланиб, янги ва истиқболли навлар 14 та туманга жойлаштирилди. Келгусида ҳосилдорлиги юқори, касаллик ва зараркундаларга чидамли, тола сифати ҳамда тола чиқими юқори, ҳудуд иқлим шароитига тўғри келган интенсив навларни кўпайтириш режалаштирилган. Шунингдек, 2024-2027 йилларда аънавий ва ноънаънавий селекция усуллари орқали юқори ҳосилдор, тезпишар, тола сифати юқори, касаллик ва ҳашаротларга чидамли биотехнологик навлар яратилади.

Ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш баробарида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари ва иқтисодиёт тармоқларининг хомашёга талабини қондириш учун ҳам бизга келажаги кафолатланган маҳсулдор ўсимликлар керак.

Кластер ва фермерлар далага янги навни киритдими, ундан ўзлари ҳам манфаатдор эканини, катта фойда олиши мумкинлигини англаши керак. Айни шу жиҳатлар эътиборга олинган ҳолда, маҳаллий истиқболли ўза навларини кўпайтириш, унинг сифатли элита уруғчилигини йўлга қўйиш ҳамда навни тижоратлаштиришда кластер ва фермерларга тегишли навга ҳаммуамлиқлик қилишга рухсат берилади. Яъни сертификатланган уруғлик тайёрлаш босқичма-босқич кластерлар ва хусусий уруғчилик корхоналарига ўтказилади.

Ишлаб чиқарилаётган ва импорт қилинадиган ГМО маҳсулотлар хавфсизлигини баҳолаш, шунингдек, бу турдаги маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш аҳамиятли жиҳат. Боси, озиқ-овқат таъминоти қанчалик муҳим бўлса, хавфсизлиги ҳам шунчалик муҳим.

Йиғилишда кўриб чиқилган яна бир масала мамлакатимизда генетик модификацияланган организмлар ва уларнинг маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича илмий экспертизасини жорий қилиш ҳамда генетик модификацияланган навлар миллий базасини шакллантиришдир.

ГМО ўсимликларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини тартибга солиш механизми бундай ўсимликларни атроф-муҳитга чиқариш ёки халқ хўжалигида фойдаланишни тартибга солиш имконини беради.

Тола узунлиги 33-34 миллиметр

Ўзбек пахтасига талаб ҳамisha юқори бўлган. Сабаби, юртимизда етиштирилган пахтада тола узунлиги 33-34 миллиметр бўлиб, соҳада етакчи дав-



Бозордаги нархлар мувозанатини таъминлашда муҳим жиҳат

Давлатимиз раҳбари ҳузурида шу йил 12 декабрь кўни бўлиб ўтган йиғилишда ушбу топшириқларга мувофиқ ишлаб чиқилган таклифлар, пахта хомашёсини етиштириш тизимини янада такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Шунга қўра, 2024 йил ҳосилидан бошлаб пахта хомашёсини етиштирувчилар ва пахта-тўқимачилик кластерлари ўртасида муносабатлар янги тартибда ташкил этилади. Яъни чигит экилишидан аввал (ҳар йили 1 ноябрдан, 2023 йилдан 2024 йил 1 февралгача), фермер хўжаликлари ва вилоят ичидида кластер ўртасида тупроқ ҳосилдорлиги нормативлари доирасида фьючерс шартномалари Товар-хомашё биржасининг пахта хомашёси секциясида ҳар бир ҳудуд учун ўтказилган савдолар орқали тузилади.

Бундай ёндашувнинг афзаллиги шундаки, фермер ўзи етиштирадиган пахтанинг миқдорини биржага жойлаштиришда ҳамда вилоят ичидида баландроқ нарх тақлиф этган кластер билан шартнома тузади. Бу миришкор ўз меҳнатига яраша манфаат кўради, деганидир. Уз ўрнида, ҳосилни кўпайтириш учун зарур агротехник тадбирларни амалга оширишга бўлган иштиёқи ҳам ортади.

Яна бир аҳамиятли жиҳати фьючерс шартномадан ортиқча ҳамда етиштирилган пахта хомашёси ёки ундан олиннадиган бирламчи ва иккитламчи маҳсулотларни фермер хўжаликлари

ТАХЛИЛ ВА ТАҚҚОС

ГЛОБАЛ

НИГОҲ

Global Innovation Index

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
STANDARD & POOR'S

МИКЁСДАГИ МЕЗОНЛАР

Ўзбекистоннинг жаҳонда тутган ўрни ва нуфузига қандай баҳо беряпти?



Абдурауф ҚОРЖОВОВ, иқтисодий шарҳловчи

Бошланиш 1-бетда

Президентимизнинг 2020 йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида"ги фармонида ҳам инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кафолатлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, иқтисодий фаолиятда эркинликни таъминлаш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги моддий ва процесуал нормаларни такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар мамлакатимизнинг глобал мезонлардаги кўрсаткичлари охишининг омиллари сифатида қайд этилган.

Хужжатга кўра, халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши ташкил этилди ва Сенат Раиси унинг раҳбари ҳисобланади. Ўзбекистон учун устувор бўлган ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий-ҳуқуқий соҳага оид 24 та халқаро рейтинг ва индекс рўйхати шакллантирилди, улар республика кенгашининг икки ишчи органи — Иқтисодиёт ва молия ҳамда Адлия вазирликлари ўртасида тақсимланди.

Кейинги йилларнинг мухтасар натижалари

Сўнги йилларда олиб борилаётган ислохотлар тўғрисида Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги натижалари сезиларли даражада яхшиланиб бор-



моқда. Буни Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши тақдим этган маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Унга кўра, 2022-2023 йилларда Ўзбекистон учун устувор бўлган кўрсаткичларда мамлакатимизнинг ўрни кўтарилди.

ИРРИГАЦИЯ

ТАЖРИБА ОММАЛАШМОҚДА, ТАШАББУСЛАР ЭСА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНЯПТИ

Президентимиз раислигида жорий йил 29 ноябрь куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида бир йил давомида сувни тежаш бўйича фавқулодда иш тизимига ўтилиши таъкидланиб, сув ҳўжалигида "Каналларни бетонлаштириш бўйича зарбдор йил" деб эълон қилинди.

Унда 2024 йилда 1,5 минг километр, яъни бу йилдаги нисбатан тўрт баробар кўп каналларни бетонлаш вазифаси белгиланди. Ҳисоб-китобларга кўра, бетонланмаган ирригация тармоқларида йилга ўртача 14 миллиард куб метр ёки 36 фойз сув ҳеч қандай иқтисодий самарасиз исроф бўляпти.

Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда Навоий вилоятида зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, канал ва ички ариқларни бетонлаштириш бошлаб юборилди. Ҳозир 706 километр канал ва ички ариқлар бетонлашни кўзда тутилган.

даласигага борадиган ички ариқлар узунлиги 1050 километрни ташкил қилади. Уларнинг 185 километрини фермерлар ташаббуси билан бетонлаштириш режалаштирилди ва бу жараён бошлаб юборилган.

Навоий вилоятида қишлоқ ҳўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этиш ҳам оммалашмоқда ва бу борада-



ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори эълон қилинди.

— Стратегияда белгиланган 100 та мақсад БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари билан уйғунлиги эътиборга молик, — дейди Олий Мажлис Сенати қўмита раиси Малика Қодирхонова. — Барқарор ривожланишнинг мақсади кенг миқёсдаги масалалар, яъни соғлиқ ва фаровонликдан тортиб, то иқлим ўзгаришларигача, гендер тенглигини тортиб, истеъмол ва ишлаб чиқариш моделлари янгила-нишигача бўлган жараённи қамраб олган.

Айтиш ўринлики, мамлакатимизда олиб борилаётган бюджет сўбатининг 72,5 фоизи БРМга йўналтирилган бўлиб, унинг тўлиқ амалга оширилиши учун зарур инвестиция ва технологиялар Ўзбекистонга фаол жалб этилмоқда, шунингдек, Марказий Осиё давлатлари билан ҳам яқин ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланмоқда.

Албатта, бу сўб-ҳаракатлар бутун минтақада иқлим ўзгариши, сув, энергетика, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Иқлим ўзгаришига қарши курашиш, тинчлик, адолат ва самарали бошқарув, барқарор тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик масалалари ҳам Барқарор ривожланиш мақсадлари халқаро рейтингдаги ўрнини юқори босқичга кўтаришга сабаб бўлади.

Маълумки, БМТнинг барқарор ривожланиш ечимлари тармоғи ва халқаро экспертлар томонидан мамлакатимизнинг ривожланиш кўрсаткичлари рейтингини эълон қилинди. Унга кўра, Ўзбекистон 71,1 индекс билан 166 мамлакат орасида 69-ўринни эгаллаб, 2022 йилга нисбатан 8 поғона кўтарилган.

2023 йилги ҳисоботга кўра, юрти-мизда барқарор ривожланишнинг 10 та мақсади бўйича кўрсаткичларда ижобий ўсиш қайд этилган. Яъни дастлабки ўринларда қамбағалликни қисқартириш, соғлиқни сақлаш ва фаровонликни таъминлаш, гендер тенгликка эришиш, сифатли таълим борасида амалга оширилаётган ислохотлар каби муҳим барқарор ривожланиш параметрлари ижобий баҳоланиб келмоқда.

Индекс тузувчилари гендер тенглик ҳамда тоза сув ва санитария кўрсаткичлари унда ўз ифодасини топган. 2030 йилга қадар белгиланган миллий мақсад ва вазифаларга эришиш имкони борлигини прогност қилган ҳамда 8 та йўналишдаги ислохотларни жадаллаштириш зарурлигини тасвир этган.

Демак, Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсадларнинг тула-тукис амалга оширилиши жамиятнинг изчил ривожланиши, халқ фаровонлиги ва турмуш сифати янада яхшиланиши, Ўзбекистон халқари имижининг юксалишига хизмат қилади.

"World Justice Project" (WJP) халқаро ноҳуқумат ташкилоти томонидан қонун устуворлиги йиллик рейтингни фуқаролар, ҳуқуқшунослар ва ҳуқуқ соҳасидаги экспертлар ўртасида ўтказилган сўровлар асосида тузилади. Уни ўлчаш учун сақизта — ҳуқумат ваколатлари чекланиши, коррупция йўқлиги, ҳоқимият очиқлиги, фуқароларнинг асосий ҳуқуқларига экспертлар ўртасида ўтказилган сўровлар асосида тузилади.

Ўзбекистон 2023 йил рейтингда 142 мамлакат орасида 78-ўринни эгаллади. Рўйхатнинг юқори белгилардан Дания, Норвегия, Финляндия, Швеция ва Германия жой олган.

Яқинда Англиянинг "Legatum Institute" халқаро таҳлилий маркази мамлакатларнинг фаровонлик даражаси бўйича навбатдаги рейтингини эълон қилди. Ўзбекистон ушбу рейтингда 167 давлат орасида 100-ўринни эгаллади. Бу Марказий Осиё давлатлари ўртасида учинчи кўрсаткич саналади.

Тадиқот муаллифлари фикрига кўра, Скандинавия мамлакатлари — Дания, Швеция ва Норвегия дунёдаги энг гуллаб-яшнаган давлатлар ҳисобланади. Энг фаровон мамлакатлар беллиги Финляндия ва Швейцария ҳам кирган.

Фаровонлик индекси 2006 йилдан буён дунё мамлакатлари эришган ютуқларни уларнинг гуллаб-яшнаши нуқтаи назаринан ўлчайдиган қосмит



Жорий йил Ўзбекистон илк бор меҳмондўстлик индексига киритилиб, 195 давлат орасида 25-ўринни эгаллагани мамнуният билан қайд этиш ҳозир. Шу жиҳатдан Буюк Британиянинг "Time out" сайти эълон қилган дунёнинг турли бурчакларида цивилизациядан йироқ табиий ҳудудлардаги "Старгазин" — юлдузларни кузатиш учун Топ-10 туризм масканлари рўйхати ҳам эътиборни тортади. У 1968 йили фаолият бошлаган ва бутунги кунда мамлакатнинг глобал медиа меҳмондўстлик бренди сифатида танилган нуфузли наشريёт ҳисобланади.

"Time out" хулосаларида АҚШ, Чили, Янги Зеландия, Ҳиндистоннинг туристик объектлари билан бир қаторда, Қорақалпоғистоннинг асосий экотуризм маскани бўлган Устўрт текислиги ва Орол денгизи ҳам қайд этилган. Сайтада денгизнинг қуриб бориши ва экологик офат оқибатлари билан курашишда экотуризмнинг алоҳида ўрни, бир неча йиллардан буён хорижий туристларга хизмат қўраётган келатган "Бескалба" туристик корхонаси ҳамда Орол денгизи бўйидаги ўтовлар мажмуаси қайд суъ боради.

Бир неча кун олдин "QS" халқаро рейтинг агентлиги 2024 йил учун "QS World University Rankings: Sustainability" натижаларини эълон қилди. Унда "ТИҚХММИ" Миллий тадиқот университети дунё олийгоҳлари орасида Топ-1000 лик рўйхатида 701-ўринда эътироф этилган. Бу маъжур таълим муассасаси Осиёда 190- ва Ўзбекистон университетлари орасида 1-ўринни эгаллади, дегани.

Аслида, барча ишлар ақл ва илмга, илғор таъриб ҳамда технологияларга таяниб амалга оширилса, мамлакатимизнинг дунё рейтингларидаги ўрни яхшиланиб бораверади. Зеро, Имом Замаҳшарий бобомиз айтганидек, "Е илми бўл, е илм тингловчи бўл ёхуд илмга эргашувчи бўл, асло тўртинчиси бўлма...". Ана шундай асосда тизимли иш юритиш юртимизни, албатта, барча жаҳалларда етакчилар сафига олиб чиқади.

Зарафшон дарёлари бўлиб, ҳудуд энг куйи оқимда жойлашган. Шу сабабли тумандаги 20 минг гектар сугориладиган ернинг 1,5 минг гектариди сув танқислиги мунтазам кузатилади. Шу боис, туманда ҳам сув тежовчи технологияларни жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда.

— Ҳозир туманимизда 4520 гектар пахта майдонида томчилатиб, 650 гектар галла даласида ёмғирлатиб сугориш технологиялари ўрнатилган. Кластер ва фермерлар бундай технологиялардан фойдаланишда барча ресурсларни, яъни ўғитлар, техника ва қўл кучи, ёқилғи, эҳтиёт қисмлар учун қилинадиган сарф-харажатларни 30 фойздан 50 фойзгача қисқартиришга эришмоқда. Қолаверса, ерни лазерли текислаш бўйича ҳам ишлар олиб боришмоқда. Бу ҳам сув сарфини камайтиришда муҳим агротехник тадбир ҳисобланади, — дейди Кармана тумани ирригация бўлими бош мутахассиси Зиддулла Қаршиев.

Вилоятда сув насослари ҳам модернизация қилинмоқда. Чўнки сув насослари эскиргани экин майдонларига сув етказиб беришда энергия сарф-харажатлари ошиб кетишига олиб келмоқда. Уларни модернизация қилиш эса сувнинг кластер ва фермер ҳўжалиқларига етиб бориш харажатларини камайтиради.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРДАГИ МАВҚЕИ

университетлар фаолияти самарадорлигидан дарак



Нилуфар ИМОМОВА, Тошкент давлат шарқшунослик университети халқаро рейтинглар билан ишлаш бўлими бошлиғи

мустаҳкам алоқаларни йўлга қўйди. Times Higher Education Impact Ranking, Times Higher Education World University Ranking, QS World University Ranking, QS World University Ranking: Asia, Central Asia йўналишларида қатнашиш учун университет буйича маълумотларни тақдим этди.

Шу йилнинг июнь ойида Times Higher Education рейтинг агентлиги THE Impact Ranking — 2023 натижаларини эълон қилди. Унга қўра, Тошкент давлат шарқшунослик университети барча йўналиш бўйича ОТМларнинг етакчи 1000 талигидан ўрин олди. Утган йилга нисбатан бу йилги натижалардаги мақсадлар сони еттакчи етказилди ҳамда ҳар бир мақсадга буйича 1000 талик доирасидаги ўринлар банд этилди. Хусусан, қашшоқликка барҳам бериш, таълим сифати, гендер тенглик, муносиб иш ўрни ва иқтисодий ўсиш, тенгсизликни қисқартириш, тинчлик, адолат ва кучли институт, барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлидаги ҳамкорлик бўйича муносиб ўринларни эгаллади.

Илк мартаба жаҳондаги йирик Round University Ranking халқаро агентлиги рейтингига қатнашиб, етакчи ОТМлар 500 талигидан жой олди. RUR жаҳон университетлари рейтинг тизимидаги глобал халқаро рейтинг бўлиб, 2010 йилдан буён 85 мамлакатдаги 1200 дан ортиқ етакчи ОТМ фаолиятини 20 кўрсаткич бўйича баҳолайди. Жорий йилда мазкур рейтинг агентлиги фан йўналишлари рейтинг натижаларини эълон қилди. Унга қўра, Тошкент давлат шарқшунослик университети гуманитар фанлар йўналишида таълим сифати бўйича 404-ўринни, ижтимоий-иқтисодий фанлар йўналишида молиявий барқарорлик бўйича 493-ўринни, таълим сифати бўйича эса 501-ўринни эгаллади.

Тошкент давлат шарқшунослик университети илк бор QS (Quacquarelli Symonds) халқаро рейтинг агентлигининг QS Asia University Rankings — 2024 рейтингига кирди. Бу йил 8 ноябрь кунини QS Asia University Rankings — 2024: Central Asia рейтинг натижаларини эълон қилди. Унда университетимиз

Бошланғичи 1-бетда

Шунингдек, таълим сифатининг халқаро майдонда рақобатбардошлигини таъминлаш, ўқув жараёнига чет эллик талабалар ҳамда профессор-ўқитувчиларни фаол жалб қилиш, олийгоҳнинг халқаро нуфузини ошириш мақсадида жаҳонда тан олинган халқаро рейтингларда иштирок этмоқда. Жумладан, Тошкент давлат шарқшунослик университетида ҳам жаҳон миқёсида ўз ўрнига эга бўлиш, халқаро даражада танилиш, таълим сифати рақобатбардошлигини таъминлаш борасида муайян ишлар қилинмоқда. Бу эса университетни халқаро даражага олиб чиқишдаги саъй-ҳаракатлар ҳамда жаҳонда тан олинган нуфузли рейтинглардан ўрин эгаллаш билан белвосита боғлиқ.



Президентимизнинг "Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан, Тошкент давлат шарқшунослик университети халқаро даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган. Унинг амалий натижалари университетнинг ҳозир халқаро майдонда танилишида аққол намоён бўлмоқда.

Университетни халқаро даражага олиб чиқиш учун қатор чора-тадбирлар белгилаб олинган. Шарқшунослик бўйича етакчи хорижий илмий ва таълим муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантириш, профессор-ўқитувчиларни стажировка ўташ ва малака ошириш, ходимларни магистратура ва докторантурада ўқиш учун чет элга юбориш, хорижий талабалар ҳамда юқори таълим олими, педагог ва мутахассисларни таълим жараёнига жалб этиш шарҳ жумласидан.

Шунингдек, халқаро даражага олиб чиқиш бўйича саъй-ҳаракатнинг бир қисми сифатида жаҳонда тан олинган нуфузли рейтинглар билан ҳамкорлик ҳам алоҳида ўринга эга. Мамлакатимизда халқаро рейтинглар билан ишлаш ва улардан жой олиш бўйича ОТМларда самарали ишлар қилинмоқда. Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳам бундай янгиланишлардан четда эмас. Олийгоҳ жаҳондаги йирик халқаро рейтинглар, хусусан, QS (Quacquarelli Symonds), THE (Times Higher Education), RUR (Round University Ranking), WURI (World University Ranking for Innovation), Greenmetrics каби халқаро рейтинг агентликлари билан тўғридан-тўғри,

халқаро талабалар алмашинуви бўйича 240-ўрин, халқаро профессор-ўқитувчилар салмоғи бўйича 243-ўрин, академик оғру ва иш бевуви йўналишида эса 251-ўринни эгаллади. Шундай қилиб, мазкур рейтингда 49-ўринни, Ўзбекистон бўйича 12-ўринни қайд этди.

Ушбу муносиб эътирофлар университет жамоасини янада юқори марраларга интилиш ҳамда келгусидаги рейтингларда ҳам муносиб ўринлар эгаллашга рағбат бўлиб хизмат қилади. Янада кўпроқ ва самаралироқ ишлашга ундайди. Чунки айни дамда шарқшунослик соҳасида қилинадиган ишлар, режалаштирилган стратегик вазифалар жуда кўп. Университетни халқаро даражага олиб чиқиш бўйича белгилаб олинган стратегиянинг муваффақияти, биринчи навбатда, муттасил такомиллаштирилиши ҳамда самарадорлигининг мониторингини юритилиши билан боғлиқ.

Компаниялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар сингари ОТМ ҳам ўз саъй-ҳаракатини дунёнинг қаерида, қайси ҳамкорлар билан ва қандай амалга ошириш кераклигини ҳал қилиши зарур. Шунингдек, стратегия доирасини аниқлаш, манфаатдор томонлардан фикр сўраш, стратегик ҳамкорларни белгилаб олиш, профессионал жамоа яратиш, энг асосийси, керакли маблағ ажратиш, алоқа ўрнатиш бўйича саъй-ҳаракатларни кучайтириш ҳамда келгусидаги фаолият босқичини режалаштириш олға силжияннинг асосий гаровидир. Тошкент давлат шарқшунослик университети халқаро майдонда танилиш жараёнини мунтазам такомиллаштириб, юқори натижага эришиш орқали мамлакатимиз олий таълим тизими ривожига хисса қўшади.

Жараён

ТАЖРИБА

Бугун ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча жабҳаларига трансформация кириб келяпти. Айниқса, таълим тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, ёш авлоднинг жаҳон андозаларига мос шароитларда таълим олиши, жисмоний ва маънавий етук инсонлар бўлиб улғайиши, қобилияти, иқтидори, интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариши учун барча имкониятлар яратилмоқда.



Олимжон ДУЙСЕНБАЕВ, Бердақ номидаги ҚДУнинг ўқув ишлари бўйича проректори, филология фанлари номзоди, доцент

Юқсак малакали мутахассислар тайёрлаш бугуннинг долзарб ва кечиктириб бўлмас вазифаларидан бири. Ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, талабаларга юқори даражадаги билимни фақат ўқув аудиториясидаги машғулотлар билан бериб бўлмайди. Булажак мутахассисларни тайёрлаш ва ўқув жараёни сифатини оширишда, уларни ижодий фаолиятга жалб қилишда, рационал фикрлаш кўникмасини шакллантириш ва интеллектуал қобилиятини ривожлантиришда мустақил таълим алоҳида ўрин тутди. Юқсак даражадаги сифатли таълим жараёнини амалга оширишда мустақил таълим тўлқувчи, ривожлантирувчи вазифани бажаради.

Шу ўринда мустақил таълим тушунчасига изоҳ бериб ўтсак. Мустақил таълим — олинган билим, кўникма ва малакани мустаҳкамлаш, қўшимча маълумот ёки материални мустақил ўрганиш мақсадидаги ўқув шакли. Мустақил фаолият муайян фандан ўқув дастурида белгиланган ҳамда талаба домондан ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакани шакллантиришни амалга оширишга хизмат қилади, ўқитувчи маслаҳати ва тавсияси асосида аудитория ёки аудиториядан ташқарида бажарилади.

Ҳозирги вақтда талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишда турлича ёндашувлар мавжуд. Баъзи тадқиқотчилар мустақил ишни ўқитувчилар томонидан берилган маълумотларни ўқувчиларнинг идрок этиши ва мустақил тушуниши, деб ҳисоблайди. Бундан келиб чиқадики, мустақил иш нафақат шакл, балки ўрганиш воситаси ҳамдир. Чунки у бир қатор функцияларни бажарган ҳолда талабаларнинг муайян кўникма ва малакасини ривожлантиради.

Тадқиқотлар натижасида талабаларнинг аудиториядан ташқарида амалга оширадиган мустақил ишларини ташкил этиш ва назорат қилиш билан боғлиқ қўйидаги жиҳатлар кузатилади. Қизиқиши юқори талабалар орасида мустақил ишни турли амалий лойиҳалар ҳамда кичик тадқиқотлар шаклида бажаришга қизиқиш анча юқори. Талабаларнинг қарийб 60 фоизи ижодий ҳамда эвристик фаолиятни устувор ҳисоблайди. Агар етарли шароит яратилса, бу яқин истиқболда жамиятнинг илмий ҳамда инновацион ривожланиши учун кучли рағбат бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Кузатувларимиз шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистондаги профессор-ўқитувчиларнинг деярли ярми бир ойда битта илмий китоб ва бир-иккита илмий мақола билан танишади. Жаҳоннинг нуфузли университетлари ўқитувчиларида эса бу кўрсаткич икки-учта илмий китоб ва олти-еттитадан кам бўлмаган илмий мақолани ташкил этади. Шундай бўлса-да, ўзбекистонлик ҳар 11 нафар профессор-ўқитувчидан фақат биттасини ўзининг илмий адабиётлар билан ишлаш фаоллигини қониқарсиз баҳолайди. Аксарияти бу борада ўзига юқори баҳо бериб, ўз устида мунтазам ишлашини таъкидлайди.

Хорижда талабалар мустақил таълимни ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича етарлича тажриба тўпланган. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти — OECDга аъзо мамлакатларда ОТМ талабаларининг ўқиш фаолияти кунлик ва ҳафталик вақт мевёлари бўйича меҳнат қўнунчилиги мувофиқ белгиланган. Талабалар беш кунлик иш ҳафтасида 40 соатча ўқиши мумкин. Бу кунлик дарс юкласи 8 соатдан ошмаслиги кераклигини аниқлатади. Ўқув юкласи ҳам, ўз навбатида, аудитория соатлари ва аудиториядан ташқари мустақил ишга ажратилган соатлардан иборат. Одатда аудитория ва аудиториядан ташқари дарс соатлари бақалавр тўлиқ дастурида 1:2, магистратурада эса 1:3 нисбатини ташкил этади. Бу бир аудитория соати икки ёки уч соатлик аудиториядан ташқари мустақил ишлар билан қўллаб-қувватланиши зарурлигини аниқлатади. Демак, бир ўқув курсига ажратилган кредит миқдори 10 га тенг бўлса, аудитория соатларининг ўзи ўртача 3 ёки 4 кредитни ташкил этади.

ЎҚИТИШ ЭМАС, ЎРГАТИШ МУҲИМ

ёки малакали кадрлар тайёрлашда мустақил таълимнинг ўрни

Қолган 6 ёки 7 кредит аудиториядан ташқари мустақил ишларга ажратилади. Талаба бир ҳафта давомида ўртача 10-15 соат аудитория дарсларида, 25-30 соат аудиториядан ташқари мустақил ишлар билан банд бўлади.

АҚШ ва Фарбий Европа мамлакатлари университетларида талабаларнинг мустақил ишларига узлуксиз таълимнинг муҳим таркибий элементи сифатида қаралмоқда. "Умр давомида таълим" тамойилининг амалиётга кенг жорий қилиниши аудитория соатлари қисқариши ҳамда талабаларнинг аудиториядан ташқари ўқув юктамалари ортишига олиб келди. Бу, биринчидан, профессор-ўқитувчилар фаолиятини "ўқитиш"дан қўра кўпроқ "ўргатиш" томон йўналтирса, иккинчидан, талабаларнинг касбий ўзини ўзи такомиллаштиришга бўлган масъулияти ортишига туртки беради.

АҚШ ва Буюк Британия университетларида талабалар мустақил иш мураккаблик даражасига қўра курсдан-курсга ўсиб боради. Масалан, биринчи курсда талабалар, асосан, ўқув адабиётлари билан ишлайди. Ҳар бир ўқув курсининг фан дастури (силлабус)да 1 та асосий ва 2-3 та қўшимча адабиётлар тавсия этилади. Талабаларнинг мустақил ишлари ҳам, асосан, мана шу тавсия этилган адабиётларни шарҳлаш, маъруза матни тайёрлаш, луғат тузиш ёки 1-2 саҳифали эссе ёзиш кўринишида амалга оширилади.

Иккинчи курсда талабалар замонавий илмий тадқиқотлар билан танишишга жалб этилади. Даврий нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар билан танишиш, контекстлардаги асосий тезисларни аниқлаш, бошқа тадқиқот ишлари билан қиёслаш каби вазифалар берилади. Бажаришга мустақил ишлар семинар дарсларида муҳокама қилинади.

Учинчи курсда талабалар тадқиқот ишлари ёки кичик гуруҳларда бажарилиб-чи амалий лойиҳаларга жалб этилади. Одатда мазкур ишлар илмий мақола ёки лойиҳа иш тақдими кўринишида амалга оширилади. Ҳар ҳафтада бир марта профессор-ўқитувчи билан келишилган учрашув жадвалига қўра мустақил ишлар бўйича маслаҳатлар олиб борилади.

бошқа шахс томонидан бажаришга ишларни топширади. Бошқа бир тадқиқот-га қўра, дунё миқёсида талабаларнинг 16 фоизи мустақил ишларни ёздирish учун бошқа шахсларга пул тўлашни тан олган. Академик ҳалоллик тамойили барча нуфузли ОТМларнинг Ахлоқ кодексида жой олган ва бу қондини бузган ҳар қандай профессор-ўқитувчи ҳам, талаба ҳам университетнинг ахлоқий масалалар билан шугулланувчи комиссия томонидан интизомий жавобгарликка тортилади.

Аксарият университетлар бундай хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш учун қатор инновацион чоралар ишлаб чиққан.

Президентимизнинг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда Жаҳон банки иштирокидаги "Халқаро ривожлантириш ассоциацияси иштирокида олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш лойиҳаси" доирасида университет ўқув лаборатория базасини мустаҳкамлаш мақсадида жами 8 та ўқув-лаборатория комплекси келтирилиши режалаштирилган. Шундан "Кримналитика" ва "Метрология, стандартлаштириш ва ўзаро алмаштириш" ўқув-лаборатория комплексларидан тала-



Масалан, АҚШнинг Жоржтаун ва Хитойнинг Гонконг университетлари тажрибасида талабалар мустақил ишни топшириш вақтида академик ҳалоллик қондаларига амал қилганини тўғрисидаги декларацияни имзолайди. Бунда талаба плагиатга қўл уриш қандай чоралар билан жазоланиши мумкинлигини оғохлантирилади ва бу ҳақда баҳардор этилганини шахсий имзоси билан тасдиқлайди. Тартибга солувчи чоралар қаторида оғохлантириш ва махсус ахлоқий курсларни мажбуран тинглашдан тортиб, талабалар сафини чакратиришга бўлган жазолар ўрин олган. Мазкур олий таълим муассасаларида плагиат масалалари билан шугулланувчи махсус комиссия мавжуд. Талабанинг ишда плагиат аниқланса, ўқитувчи бу ҳақда тегишли комиссияга хабар бериши шарт ва комиссия бу ишни қўриб чиқади. Баъзи ҳолларда талаба плагиат учун ўқудан четлатилиши мумкин, аммо у бу ишга эҳтиёсизликдан қўл ўрган бўлса, талаба илмий ишнинг ахлоқий асослари ва стандартларини ўргатадиган махсус курсга юборилиши мумкин.

АҚШ ва Фарбий Европанинг аксарият университетларида профессор-ўқитувчилар ўзлари ҳамда университет нуфузига доғ тушмаслиги учун талабаларнинг мустақил ишларини текширишда плагиатни аниқловчи www.turnitin.com веб-сайтдан фойдаланади. Ҳар бир талаба профессор-ўқитувчилар талаби билан мазкур сайт орқали рўйхатдан ўтади ва бажарган мустақил ишларини антиплагиат текширувидан ўтказиши. Профессор-ўқитувчи текшириш натижаларига қўра, мустақил ишнинг оригиналликни баҳолайди. Агар ишда плагиат аниқланса, иш оғохлантириш билан қайтарилди. Бу чора талабалар ҳол бўлса ҳам, фақат ўз фикрларига таяниши зарурлигини эслатиб туради.

Талабаларнинг мустақил ишларини самарали ташкил этиш ва назорат қилишда ОТМ ахборот-ресурс марказларининг ўрни ниҳоятда муҳим. Чунки талабалар аудиториядан ташқари мустақил иш бажаришда зарур адабиётларга эҳтиёж сезади. Шу боис, АҚШ ва Буюк Британиядаги қўра мустақил ишнинг оригиналликни баҳолайди. Агар ишда плагиат аниқланса, иш оғохлантириш билан қайтарилди. Бу чора талабалар ҳол бўлса ҳам, фақат ўз фикрларига таяниши зарурлигини эслатиб туради.

Талабаларнинг мустақил ишларини самарали ташкил этиш ва назорат қилишда ОТМ ахборот-ресурс марказларининг ўрни ниҳоятда муҳим. Чунки талабалар аудиториядан ташқари мустақил иш бажаришда зарур адабиётларга эҳтиёж сезади. Шу боис, АҚШ ва Буюк Британиядаги қўра мустақил ишнинг оригиналликни баҳолайди. Агар ишда плагиат аниқланса, иш оғохлантириш билан қайтарилди. Бу чора талабалар ҳол бўлса ҳам, фақат ўз фикрларига таяниши зарурлигини эслатиб туради.

Ҳозирги кунда Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг барча таълим йўналишларида талабаларнинг мустақил ишларини самарали ташкил қилиш ҳамда 2 таси иккинчи ўқув бироноси лаборатория комплексида жойлашган.

Шунингдек, университет профессор-ўқитувчилари ҳам талабаларнинг ўқув адабиётлар (тиллар бўйича) билан таъминлашга ўз хиссасини қўшмоқда. Улар яратган адабиётлар <https://adabiyot.edu.uz/> платформаси орқали экспертизадан мунтазам ўтказилади, ушбу платформа орқали 2023 йилнинг январь-ноябрь ойларида 159 номдаги адабиётни чоп этишга рухсат берилди.

Бош мақсад олий таълимда тахсил олувчи ҳар бир талаба мустақил иш бажариш давомида ўз мутахассислиги бўйича кўникмаларни амалиётда қўллаб билиши, ҳар бир муаммага профессионал ёндашиб, мустақил ҳалоса ва қарорлар қабул қилиши, англис яратилиш ва ўз фикрини ҳимоя қила олиши лозим.

Ҳозирги кунда таълимга қаратаётган эътибор ва ғамхўрлик кун сайин долзарблик касб этиб бораётган. Жаҳонда PISA, PIRLS, TIMSS, TALIS каби қатор халқаро дастурлар мавжуд бўлиб, улар таълим самарадорлигини янада оширишдаги бош мезон сифатида тарққатиб этган давлатларда кенг қўлланилмоқда. Ислохотларни амалга оширишда халқаро стандартлар даражасида юқори иқтисодий самарага асосланган илмий баҳолаш тизимини яратишга ҳам эътибор қаратилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, мустақил таълим онингнинг ҳаётий ритмик ва динамик ҳаракатини юзага келтирувчи омилдир. Биз, аввало, таълим сифатини тубдан модернизация қилишга ҳаракат қилмоғимиз зарур. Бундай шароитда юқори малакали мутахассисларга бўлган талаб ортиб бориб, барқамол авлоднинг асрлар давомида шаклланиб келган умуминсоний ва миллий кадриятлар руҳида тарбиялаш лаёқатига, касбий тайёрлигига юқсак даражада бўлган ҳамда замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини индивидуал амалиётда қўллаш кўникма ва малакасига эга ижодкор мутахассислар сифатида тайёрлаш талаб этилади.

Шунингдек, физика, кимё, биология ва экология кафедраларидаги ўқув-лаборатория хоналари замонавий жиҳоз ва асбоб-ускуналар билан таъминланган бўлиб, талабалар яратилган имкониятлардан кенг фойдаланиб келмоқда.

ЭКСКЛЮЗИВ ИНТЕРВЬЮ

“ОТАМ ВАТАН ҲАСРАТИ ВА МУҲАББАТИНИ МЕРОС ҚОЛДИРГАН”

УСМОНХҲЖА ПЎЛАТХҲЖАЕВНИНГ ФАРЗАНДИ ТЕМУР ХҲЖА ЎҒЛИ МАМЛАКАТИМИЗ ТАРИХИ ВА ЖАДИДЛАР МЕРОСИ БИЛАН БОҒЛИҚ НОЁБ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТДИ

Бошланиши 1-бетда

Темур Хўжа ўғли Туркистоннинг маданий ва сиёсий тарихига бағишланган юздан ортиқ мақола ёзган. Уларнинг аксари турк ва иелли тилларида, Туркия, Америка Қўшма Штатлари, Овёро мамлакатлари, Ҳиндистон ва Япония каби давлатларда чоп этилган. Сўхбатимиз аввалида олим кўзида ёш билан шундай деди: “Тузуллар баъзи даврларда оғир бўлиши мумкин. Лекин тузумга қараб, инсон ўз ватанидан юз ўйирмайди. Мен ҳам Ўзбекистондан юз ўйирган эмасман, чунки Ўзбекистоннинг келажакига, истиқболига ҳамisha ишонганман. Менда ҳар доим ватанимга қайтиш орзуси бор”.



Темур Хўжа ўғли жаноблари, юртимизга хуш келибсиз! Президентимизнинг “Жадидалар: Миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари” мавзусидаги халқаро конференция қатнашчиларига йўллаган мурожаатини катта ҳаяжон билан тингладик. Давлатимиз раҳбари ўз мурожаатда шахсан сизга мамлакатимиз тарихи ва аждодларимиз меросига бағишланган қимматли ҳужжатларни тақдим этганингиз учун алоҳида миннатдорлик билдирди. Келинг, сўхбатимиз аввалида ушбу ноёб мерос ҳақида тўхталиб ўтсак...

— Мазкур ҳужжатлар ичида Маҳмудхўжа Бехбудий ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ кўплаб маълумотлар бор. Жумладан, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 1907 йилда Россия думасига ёки Муслмонлар фракциясига топширган “Туркистон маданий мухторияти” деб номланган лойиҳасини ўқиб, ўша пайтда муҳим воқеаларга сабабчи бўлган ижтимоий-сиёсий жараёни билиб олишимиз мумкин. Аввало, Бехбудий Туркистон халқлари учун маданий давлат — маданий мухторият талаб қилган. Лойиҳада қайд этилган моддаларни ўқиб билиш мумкинки, маданий мухторият билан бирга сиёсий мухторият ҳам кўзда тутилган. Масалан, унинг бир моддасида шундай ёзилган: “Туркистонга кўчманчиларнинг олиб кирилиши тўхтатилсин”. Биласиз, оқпошмо замонда Россия худудларидан кўплаб деҳқонлар Туркистон тупроқларига келтириб жойлаштирилган. Бехбудийнинг яна бир талаби шундаки, “Туркистоннинг тупроғи ва сув ресурсларидан фақат Туркистондаги муслмонлар фойдалансин”. Ахир Туркистон ҳам бир сиёсий мухторият экан, бу заминнинг тупроғи, деҳқончилиги, сув ресурсларидан фақат шу ўлка аҳолиси фойдаланиши керак-да... Яна лойиҳада айтилганки, “Туркистонликлар учун диний идоралар тузилсин ва бу идораларни ўзлари бошқарсин, ишимизга бошқалар аралашмасин”.

Айни ҳужжатда таълим соҳаси бўйича ҳам ўзига хос мулоҳазалар билдирилган. Масалан, “Туркистондаги мактаблар ҳам мустақил, эркин бўлиши керак”. Чунки ўша пайтларда Туркистонда, асосан, рус-тузем мактаблари очилиб, болаларга рус тилида сабоқ берилган. Бехбудий “Уғил-қизларимиз ўзимиз очган жадид мактабларидан таълим-тарбия олиши керак”, деб ёзган. Демак, “Туркистон маданий мухторияти” деб аталган ҳужжат жуда ноёб бўлиб, уни диққат билан кўриб чиқсак, Бехбудийнинг маданий мухторият учунгина эмас, кўпроқ сиёсий мухторият учун жон куйдирётганига гувоҳ бўламиз. Шу ўринда савол туғилади: бу ҳужжат нима учун муҳим? Аввало, унинг 1907 йилда тақдим

ган мустамаккачилар Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Қозоғистонга бирин-кетин ғаройиб топшириқлар бераверган, ёлгон рақамлар билан уйинлар ҳам давом этаверган. Мақсад Марказий Осиё давлатларини мустамакка қилиб ушлаб туриш бўлган. Бундай шариоитда мафиялашиш ҳам кучайиб борган. Жуда кўп сиёсий давраларда шундай гап айланарди: “Совет Иттифоқи емирилиши мумкин эмас, чунки уларда ядро қуроли бор”. Буни қарангки, йиллар ўтиб ядро қуролининг ҳам аҳамияти қолмади. Чунки СССР иқтисодиёти ниҳоятда ночорлашган эди. Советлар дунё бозор иқтисоди шароитига ўтганида бу нарса аққол намоён бўлиб қолди. Ясама қурилган давлатнинг умри ва йўли узоққа бормади. Ғарчи, жаҳоннинг ядро қуролига эга энг йирик давлати бўлса-да...

Бирок, афсуски, шу давр мубайнида бутун Марказий Осиёнинг кўплаб маърифатпарвар, билимдон зиёлилари ўлдириб юборилди. Улимдан қутулиб қолиш учун кўплари хорижга чиқиб кетди. Ўзбек адабиёти эса бутунлай цензурага кирди. Аммо миллатимиз ғанимлари ҳар қанча ҳаракат қилса ҳам жадидчилик руҳини йўқ қила олмади.

Мен Ойбек, Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов, Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповнинг ижодини кўзатишимда, бу шоир ва ёзувчилар совет даврида жадид боболаримиз ғояларини давом эттирганга, айни ғоялар бугунги кунимизга етиб келишида катта хизмат қўрсатганига амин бўламан.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳам жадидчилик ғояларини мамлакатнинг миллий ғояларига айлантиришда жонбозлик қўрсатаяпти. Мустақил бўлган жумҳуриятлар ичида, аввало,

Бу республикаларнинг конституциясига назар ташласак, уларнинг барчасида бир модда бор: “Бу совет социалистик республикалари хоҳлаганида, парламентлари қарор қилганида мустақил бўла оладилар, яъни советларнинг таркибидан ажралиб чиқа оладилар”. Аммо ўша конституцияларда яна бир модда борки, бу қарорга фақат СССР рози бўлиши кераклиги таъкидлаб ўтилган. Қўриб турибсизки, бу ишлар барчаси сиёсий уйин бўлган. — **Фарб давлатлари СССРнинг статистиканин хамisha текшириб турган ва ёлгон хабарлардан ҳайратга тушган, дейишди. Бу борада бобо-бувиларимиз кўп гаплар, лекин биз буларни ўша пайтларда, табиийки, тушунмас эдик...** — Жуда тўғри айтдингиз, нафақат хориждаги уйғоқ қалбли инсонлар, балки кўртимизда истиқомат қилиб, барча кўргуликларни ичига ютиб, индамай яшашга мажбур бўлган зиёлиларимиз анчагина... Улар анлаганидек, Москвада ўтириб ол-

Ўзбекистонда жадидлар илгари сурган ғояларнинг катта тўлкини юзага келди. Ўзбекистон айни глобал дунёда жадидчиликни давлатнинг миллий ғоясига айлантиргани учун биз ҳам жуда миннатдоримиз. Биз бу кувватлини ҳолини чет элда туриб кўзатганимиз. Ўзбекистонда нима бўляпти? Марказий Осиёнинг бошқа давлатларида қандай янгиликлар юз бераяпти? Жуда қизиқардик. Вазиятни таҳлил қилиш учун турли шарҳлар ва мақолалар ёзганмиз. Совет даврида юртимизга келишнинг ҳеч имкони йўқ эди. Ва ниҳоят, 1990 йилдагина ота юртимга келдим. Ўша вақтда Михаил Горбачев бошчилигида қайта қуриш ислохотлари давом этарди. У пайтлардаги таҳлика бошқа, айни даврдаги Ўзбекистонда юриб озолик завқини ҳис қилиш бошқа!!! Шу кунларга етказганига шукр! Қаранг, жадидлар мероси бўйича ўтказилган халқаро конференция бутун жаҳондаги энг машҳур жадидшунос олимларни бир даврага жамлади. Ҳар бир ўқилган маърузани кўзда ёшимиз, қондаги қайноқ ҳароратимиз билан тингладик. Ўзбекистон Президенти жадид боболаримизнинг тўхтаб қолган ишларини давом эттириш асосий вазифаларимиздан бири эканини таъкидлади. Бу жуда катта иш. Давлат раҳбари жадидларнинг ярим йўлда қолган ишини давом эттириб, Ўзбекистонни

“ОТАМ УСМОНХҲЖА КАТТА БОЙ БЎЛГАН. БОБОМИЗ ПЎЛАТХҲЖА ҚОРАҚЎЛ ТЕРИСИ САВДОСИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНАДИГАН САВДОГА ЭДИ. ОТАМ УСМОНХҲЖА ФАЙЗУЛЛА ХҲЖАЕВ БИЛАН АМАКИВАЧЧА. УЛАРНИНГ ТОШКЕНТ, САМАРҚАНД, БУХОРО, ЎШ, МОСКВАДА БИР НЕЧА САВДО ДЎҚОНЛАРИ БЎЛГАН.



Марказий Осиёнинг энг илгор демократик давлатига айлантирмоқчи! Бу гапларни эшитганимда шу қадар тўқилганимиз кетдики, жадид Усмонхўжа Пўлатхўжаев ўз умрини тиккан ғоялар қанчалар салмоқли ва юксаклигини янада теран англадим. Ўз отам билан янада кўпроқ фахрландим!

— **Албатта, бу воқеалардан биз ҳам кувоняпмиз, гурунпаямиз. Конференциянинг очилиш маросимида сўзлаган маърузанингизда отангиз — Усмонхўжа Пўлатхўжаевнинг сўнги васиятларини эсладингиз. Ҳеч шубҳасиз, бу газетхоналаримиз учун жуда қизиқ. Шундай экан,**

отангизнинг Бухородаги ва чет эллардаги тараққийпарварлик фаолияти ҳақида тўхталиб ўтсангиз... — Отам Усмонхўжа катта бой бўлган. Бобомиз Пўлатхўжа қорақўл териси савдоси билан шуғулланадиган савдогар эди. Отам Усмонхўжа Файзулла Хўжаев билан амакивачча. Уларнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Ўш, Москвада бир неча савдо дўқонлари бўлган. Бобом Пўлатхўжа савдогарлардан бирида бола Усмонхўжани Москвага олиб кетган. Дунё қандай ривожланиб бораётганини, Москва қандай шаҳар эканини ўғлига кўрсатишни истаган. Кейин Истанбулга, Берлинга, Боғочсаройга ҳам боришган. “Жаҳондаги тараққийтни кузат, бу ишларнинг барчаси илм орқали юзага келишини англашингни хоҳлайман”, деган экан бобом. Бухорога қайтиб келишгач, отам бизнинг аҳолиимиз қанчалар ночорлигини мурғак қалби билан тушуниб етган. Шундай таассуротлар таъсирида улғайган. Йигирма ёшга кирганида Ўшга бориб, Дукчи зшон кўзолонида қатнашди. Ўша ерда отамни тўтиб олишди. Бироқ отаси машҳур савдогар Пўлатхўжани танишгани учун ўлдиримайди, қўлига занжир солиб, Бухоро амирлигига топширишди. Отам “Ёш бухороликлар” ҳаракатида ҳам фаол қатнашди. Кейин Бухоро

амирини ағдарилгач, молия вазири вазифасига тайинланди. Молия вазиридан сўнг Бухоро республикасининг раҳбари бўлди. Ўша ердаги турк офицерларига “Бизга кучли армия тузишда ёрдам беринг”, дейди. Бу армия билан Душанбедаги большевиклар гарнизонига ҳужум қилади. Аммо Тошкентдан бошқа кўчалар келганида ярадор бўлиб, Афғонистонга кетади. Ўша пайтда отам Усмонхўжа 45 ёшда бўлган. 45 йил умри Туркистонда, 45 йил чет элда ўтган. Афғонистон, Покистон ва Польшада жадидларнинг ғояларини тарғиб қиладиган газета-журналлар чиқаради. 1968 йилда

Янги Ўзбекистонда Президент яна бир жайли ишни амалга оширди. Буни ҳам, албатта, эътироф этишим керак. Мен Ўзбекистонга 1990 йилнинг октябрида келган эдим. Пахта терим мавсумида бутун бир университетлар, мактаблар кўз ўнгимда ёпилди. Ёш болалар, талабалар, ўқитувчилар пахта далаларида қий ойларидаги пахта теришга жалб қилинди. Кейин мен телевизорда бир лавҳа кўрдим: далаларда ишлаётган аёллар маза қилиб пахта теряпмиз, деярли-ю, тинмай йўталаяпти. Чунки самолётлар уларнинг тепасидан заҳарли дори сеппиб турган эди. Мана энди пахта қулликига Шавкат Мирзиёевнинг сай-ҳаракатлари билан бутунлай чек қўйилди. Бу миллат равнақи, маърифати, маънавияти, сиёсати йўлида қилинган жуда катта иш.

— **Чиндан ҳам жадид боболаримиз миллат маърифати, маънавиятини биринчи ўринга қўйган, хотин-қизлар қадрини улуглаган пешқадим инсонлар бўлган. Отангиз Усмонхўжа Пўлатхўжаев туғилиб ўсган ҳовлида Халқаро жадидлар музейи ташкил қилинаётган экан...** — Бухородаги бир шахсга сотилган отамнинг ҳовлиси уч-тўрт ой олдин давлат томонидан олиниб, Усмонхўжа Пўлатхўжаев уй-музейи ташкил қилина бошлади. Мен Усмонхўжа Пўлатхўжаев уй-музейи эмас, Усмонхўжа номидаги жадидлар музейи бўлсин, деб тақдир қилдим. Музейда жадидлар кутубхонаси бўлади ва илмий тадқиқот учун шароитлар ҳам яратилади. Истанбулда меннинг турли тилда нашр этилган 18 минг китоб ва кўлэмалардан иборат катта кутубхонам бор. Ўша кутубхонани музейга соғва қилишга ваъда бердим. Бу китоблар ва кўлэмалардан жадидлар ҳақида тадқиқот олиб бораётган олимлар фойдаланиши мумкин. Жадидларнинг эзгу ғояларига, отам Усмонхўжа Пўлатхўжаевнинг порлоқ хотирасига кўрсатилаётган бундай эътибор ва иззат-иқромдан бошим кўкка етди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевдан жуда миннатдорман. Бу улғун инсон бошлаган ишларга заррача ҳиссам қўшилса, ўзимни дунёдаги энг бахтли инсон, деб биламан. Ўзбекистонга кўз тегмасин!

— Сиз илмий тадқиқотларингиз жараёнида ўзбек хотин-қизларининг ҳаёти ва жамиятдаги ўрни ҳақида ҳам излашлар олиб бора экансиз. Мана шу жараёндаги мулоҳазаларингиз ва хулосаларингиз бизни қизиқтиради. — Москвада Шарқ хотин-қизлари конференцияси бўлган. Ленин бу конференцияда қатнашмаган бўлса-да, табриқнома юборган. Унда шундай сўзлар бор эди: “Аёллар жаҳоннинг кўплаб давлатларида қийналиб, зулми ва зуравонлик остида яшаб келмоқда. Шарқ аёллари эса улардан ҳам кўпроқ эзилган. Биз, большевиклар эркеклар ва аёллар тенглигини олиб келдик”. Мен ўз таҳлилий мақолада эркеклар ва аёллар тенглигини большевиклар эмас, жадидлар олиб келган, деб ёздим ва бу сўзларимни таҳлил қилиб бердим. Чўлпоннинг “Ўзбек қизига” деган шеъри бор. У шеърда шундай дейди:

Бошқада қанот бор, кўкка учадир, Шохларга кўнадир, боғда ярайдир. Сўзлари садафдек, товуши найдек Куйини ҳар ерда элга сайрайдир... Кулан бошқалардир, йилган менман... Жадидалар маҳаллий хотин-қизлар ҳам илм олишини, бахтли бўлишини истаган. Аёллар паранжини ташлаши учун, аввало, эркекларга таълим беришимиз, уларнинг дунёқарашини ўзгартиршимиз керак, дейишган. Аммо Москва нима қилди? Бир кун барча аёлларни бир майдонга йиғиб, уларнинг паранжинларини ўтга ташлаб куйдирди. Бу воқеада иштирок этган хотин-қизларнинг отаси, эри, ака-укаси инсодаг қандай олмай қолди. Тарихга назар ташласак, Амир Темур даврида паранжи бўлмаган-ку. Мирзо Улуғбек ҳам ўзи қуддирган расадхона деворига “Илм олиш ҳар бир эркек ва аёл учун фарздор”, дея бежиз ёздирмаган бўлса керак. Демак, аёлларнинг ҳам мактабга боришга, илм олишга ҳаққи бор эди. Бухоро амирлигида барча хотин-қизлар эмас, фақат отинларгина ўқишга борди. Мактаб-мадрасаларда эса фақат эркеклар таълим олди.

Яна бир мулоҳазам. Совет даврида хотинларга иккита оқ кўйилди. Биринчидан, аёллар энг оғир соҳаларда ҳам фаолият олиб борди. Қурилишда, заводларда ва далаларда ишлади. Трактор ҳайдаган Турсуннойлар ибрат қилиб кўрсатилди. Иккинчидан, иш таъжарга, уйига бориб яна кўп вазифаларни бажариши шарт қилиб қўйилди. Икки ёқлама зулм эмасми бу? Шу боис, хотин-қизлар ўзини ўзи ёқа бошлади. Советлар мамлакатидан бошқа дунёнинг ҳеч бир ерида аёллар қурилишда ишламаган. Аёллар муаллим бўлсин, врач бўлсин, тоза ва шиман оғилларда ишласин, лекин оғир шароитларда ишлаши керак эмас-да...

Янги Ўзбекистонда Президент яна бир жайли ишни амалга оширди. Буни ҳам, албатта, эътироф этишим керак. Мен Ўзбекистонга 1990 йилнинг октябрида келган эдим. Пахта терим мавсумида бутун бир университетлар, мактаблар кўз ўнгимда ёпилди. Ёш болалар, талабалар, ўқитувчилар пахта далаларида қий ойларидаги пахта теришга жалб қилинди. Кейин мен телевизорда бир лавҳа кўрдим: далаларда ишлаётган аёллар маза қилиб пахта теряпмиз, деярли-ю, тинмай йўталаяпти. Чунки самолётлар уларнинг тепасидан заҳарли дори сеппиб турган эди. Мана энди пахта қулликига Шавкат Мирзиёевнинг сай-ҳаракатлари билан бутунлай чек қўйилди. Бу миллат равнақи, маърифати, маънавияти, сиёсати йўлида қилинган жуда катта иш.

— **Чиндан ҳам жадид боболаримиз миллат маърифати, маънавиятини биринчи ўринга қўйган, хотин-қизлар қадрини улуглаган пешқадим инсонлар бўлган. Отангиз Усмонхўжа Пўлатхўжаев туғилиб ўсган ҳовлида Халқаро жадидлар музейи ташкил қилинаётган экан...**

— Бухородаги бир шахсга сотилган отамнинг ҳовлиси уч-тўрт ой олдин давлат томонидан олиниб, Усмонхўжа Пўлатхўжаев уй-музейи ташкил қилина бошлади. Мен Усмонхўжа Пўлатхўжаев уй-музейи эмас, Усмонхўжа номидаги жадидлар музейи бўлсин, деб тақдир қилдим. Музейда жадидлар кутубхонаси бўлади ва илмий тадқиқот учун шароитлар ҳам яратилади. Истанбулда меннинг турли тилда нашр этилган 18 минг китоб ва кўлэмалардан иборат катта кутубхонам бор. Ўша кутубхонани музейга соғва қилишга ваъда бердим. Бу китоблар ва кўлэмалардан жадидлар ҳақида тадқиқот олиб бораётган олимлар фойдаланиши мумкин. Жадидларнинг эзгу ғояларига, отам Усмонхўжа Пўлатхўжаевнинг порлоқ хотирасига кўрсатилаётган бундай эътибор ва иззат-иқромдан бошим кўкка етди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевдан жуда миннатдорман. Бу улғун инсон бошлаган ишларга заррача ҳиссам қўшилса, ўзимни дунёдаги энг бахтли инсон, деб биламан. Ўзбекистонга кўз тегмасин!

“Янги Ўзбекистон” мухбири Мухтасар ТОЖИММАТОВА сўхбатлашди.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти ДМ Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Таҳририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор. Газета таҳририят компьютер марказида сақланади. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1246. 43301 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда. “ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Навбатчи муҳаррир: Шаҳзоҳ Ғафоров Мусахўш: Насиба Абдуллаева Дизайнер: Зафар Рўзиев Манзилими: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй